

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
“Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Ободонлаштириш бош Бошқармаси
бошлиғи



А.Аденов

«07» октябрь 2022 йил

Тошкент вилоятининг «Бекобод шаҳри “Буюк ипак йўли” ва “Ғ.Ғулом” кўчаларида суғориш кудуғи казиш ва тармоқларини тортиш» ишларини амалга ошириш учун комиссия йиғилиш

БАЁННОМАСИ

«07» октябрь 2022 й.

Нурафшон шаҳри

Ўзбекистон Республикаси белгилаш бўйича танлов комиссиялари ишини ташкил этиш мақсадида, Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бош бошқармасининг 2022 йил 16 сентябрдаги 69-сонли Буйруқ билан тасдиқланган танлов комиссияси таркиби қуйидагича:

Комиссия раиси:	И.Эргашев	- Тошкент вилояти Ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
Комиссия аъзолари:	А.Абдусаматов	- Етакчи мутахассис;
	М.Атаматов	- Ходимлар бўлими бошлиғи;
	К.Каримов	- “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси мутахассиси;
Комиссия котиби:	Д.Мансуров	- Бош мутахассис
	А.Жўрабоев	- Бўлим бошлиғи;

Комиссия йиғилишида К.Каримов иштирок этмади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Голиб ташкилот билан шартнома имзолаш.

Кун тартиби масаласи юзасидан комиссия раиси И.Эргашев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022йил 30 декабрдаги ПФ-46-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **Тошкент вилоятининг** «Бекобод шаҳри “Буюк ипак йўли” ва “Ғ.Ғулом” кўчаларида суғориш кудуғи казиш ва тармоқларини тортиш» объекти бўйича пудрат ташкилотини танлаб олиш учун савдолар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сон Қонуни талаблари асосида электрон тарзда ўтказилганлигини маълум қилди.

Комиссия раиси И.Эргашев комиссиясининг ишини очик деб эълон қилиш, ҳамда кун тартибидаги масалани тасдиқлашни овозга қўйди ва таклиф бир овоздан маъқулланди.

Комиссия котиби қатнашчиларга савдолар ЛОТ-155859 комиссия баённомаси шакллантирилганлигини маълум қилди. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 62-моддаси 2-хатбошига мувофиқ ҳолибни белгилаш тўғрисидаги баённома давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилганлигини маълум қилди.

Икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаганлигини, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ҳолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкинлиги таъкидланди.


Комиссия аъзолари фикрлари тингланиб бир овоздан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1 «Бекобод шаҳри “Буюк ипак йўли” ва “Ғ.Ғулом” кўчаларида суғориш кудуги казиш ва тармоқларини тортиш» объектида қурилиш ишларини амалга ошириш учун 04.10.2022 йилдаги баённомага асосан “ТОРГРЕМБЫТ-СЕРВИС” ХК ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ободонлаштириш бош бошқармаси ўртасида шартнома имзолансин.

Йиғилиш баённомасининг тузилиши тўғри деб топилиб, комиссия аъзолари

И.Эргашев



А.Абдусаматов




М.Атаматов



Д.Мансуров



Котиб
А.Жўрабоев



ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИГА АСОСАН ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ШАРТНОМА № 6

07.10.2022 йил

Нурафшон ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» дебюритиладиган Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш Бош Бошқармаси Низом асосида иш юритувчи директор А.Аденов бир томондан ва кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган «TORGREMBIT-SERVIS» ХК номидан Низом асосида иш юритувчи фирма директори Н.Шахабиддинов иккинчи томондан, мазкур Тошкент вилояти «Бекобод шаҳар «Буюк Ипак Йўли» ва «Ғ.Ғулом» кўчаларида суғориш қудуғини ташкил этиш ва тармоқларини тортиш» ишларини бажариш учун шартномани тузиб имзоладилар.

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. **Бажарувчи** мазкур шартнома шартларига кўра лойиха-смета хужжатларига асосан ишларни тўлиқ бажарилиши мажбуриятини олади. **Буюртмачи** эса **Бажарувчига** лойиха-смета хужжатларига асосан ишларни тўлиқ бажарилиши учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва инвестор томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича, лойиха-смета хужжатларига асосан ишларни тўлиқ бажариш учун **Бажарувчи** томонидан бажариладиган ишлар қиймати жорий нархларда **ҚҚС билан 1380630000 сўмни ташкил этади.**

2.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

✓ ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

✓ ишлар ҳажми **Буюртмачи** томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар **Буюртмачи, Бажарувчи** ўртасидаги шартномага қўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.

III. БАЖАРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича **Бажарувчи** мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

✓ барча ишларини мазкур шартномада ҳамда унинг I иловасига мувофиқ ишларни бажариш учун сметада назарда тутилган ва муддатларда ўз кучи билан бажариш ҳамда ишни **Буюртмачига** мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

✓ ишларни бажариш давомида **Буюртмачи** томонидан талаб қилиб бориладиган маълумотлар ва шошилиш (оператив) сўровларни ўз вақтида ҳамда белгиланган муддатларда тақдим этиш;

✓ бажарувчи томонидан объектдаги ишлари ва ҳисоб китоб ишлари бўйича кейинчалик аниқланган камчиликлар қолдириб кетилган иш ҳажмларидаги йўл қўйилган хатоликлар натижасида етказилган зарарларни бажарувчи томонидан тўла қоплайди;

✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. **Бажарувчи** мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда тайёр муҳандислик ҳисобларини ўз вақтида топшириш учун **Буюртмачи** олдида тўлиқ ҳамда мулкый жавоб беради.

IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун **Буюртмачи:**

✓ ишлар бажарилиши шартномада қайд этилган **Бажарувчи** томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, **Бажарувчидан** тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

✓ **Бажарувчининг** барча мурожаатларини 10 (ўн) кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

✓ **Бажарувчига** инвестор томонидан ажратилган маблағлари ҳисобидан аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

✓ Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

5.1. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг 15 % фоизини олдиндан тулаб беради қолган қийматни бажарилган ишлар ҳажмлари топширилгандан сўнг тулаб берилади.

5.2. Мазкур шартнома 31.12.2022-йилгача амал қилади.

VI. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда **Бажарувчи** ва **Буюртмачи** ишларни давом этдириш ёки уларни вақтинча тўхтатиб туриш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

✓ иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;
✓ Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларига асосан ишларни ўз вақтида бажармаганлиги бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,5 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

✓ Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50фоизидан** ошмаслиги керак.

✓ Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент вилояти туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.3 Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.4 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

9.5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликни;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлашни;
- хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда норасмий пул ёки моддий қийматликлар олинисда йўл қўйилмаслик ва таклиф этмасликни кафолатлайди.

9.9 Мазкур шартнома 3 нусхада тузилади ва ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтгандан сўнг кучга киради.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ:

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузурдаги
Ободонлаштириш Бош бошқармаси
Манзил: Нурафшон ш. Оппоқ МФЙ
ш/х*: 100021860274017065200110003
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 306 985 305
ОКЭД 81300
Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Ғазна х/в.: 234020003000100001010
Тошкент шаҳри Марказий Банк ХККМ
МФО: 00014, СТИРи: 201222919
Директор: _____ А.Аденов



БАЖАРУВЧИ:

Х/К "TORGREMBIT-SERVIS"
Манзил: Сирдарё вилоят Гулистон ш.
С.Алимов 48 уй
Х/Р 20208000204244806001
Кишлоқ қурилиш банк МФО 01037
СТИР 204422416
ОКОНХ 41202
Тел.90-175-16-46

Директор:

Е.Шахабидинов



Ҳуқуқий экспертиза-хулосаси

Ушбу пудрат шартнома лойихасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойихаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Компания ҳуқуқшуноси

М.Фарзидинов «07» Октябрь 2022 йил

Е.нр. Р.

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 155859 на приобретение «Bekobod shahri “Buyuk ipak yo’li” va “G’.G’ulom” ko’chalarida sug’orish qudug’i qazish va tarmoqlarini tortish»

Способ проведения электронный

Дата 04.10.2022

Время рассмотрения 04.10.2022 11:20

Закупочная комиссия Тошкент вилояти Ободонлаштириш бош бошқармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ERGASHEV ISLOM UMAROVICH	Бошлиқ ўринбосари	Тошкент вилояти Ободонлаштириш Бош бошқармаси
Секретарь комиссии	JURABAYEV AKMAL AXADJANOVICH	Бўлим бошлиғи	Тошкент вилояти Ободонлаштириш Бош бошқармаси
Член комиссии	Абдусаматов Абдувахоб Абдулазиз ўғли	Етакчи мутахассис	Тошкент вилояти Ободонлаштириш Бош бошқармаси
Член комиссии	ATAMATOV MUXRIDIN RUSTAMALI O‘G‘LI	Бўлим бошлиғи	Тошкент вилояти Ободонлаштириш Бош бошқармаси
Член комиссии	KARIMOV KARIMJON YUSUFOVICH	Бўлим бошлиғи	“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	MANSUROV DILMUROD BAXTIYAROVICH	Бўлим бошлиғи	Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бош бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 04.10.2022 года № лота 155859.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 99

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Строительно монтажные работы
Подробное описание	«Bekobod shahri “Buyuk ipak yo’li” va “G’.G’ulom” ko’chalarida sug’orish qudug’i qazish va tarmoqlarini tortish»
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	1413 661 110.00
Стартовая сумма	1413 661 110.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 . Пудрат ташкилотининг техникаси ва кичик механизмлари бўйича умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: . Пудрат ташкилотининг техникаси ва кичик механизмлари бўйича умумий маълумотлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
FARZONA-HASHAM ХК	20	20	20	Экспертная		
ТОРГРЕМБЫТ-СЕРВИС Х К	20	20	20	Экспертная		
QORG'ONCHA LOCHIN QUSHI MCHJ	20	бор	20	Экспертная		

Критерий №2 Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
FARZONA-HASHAM ХК	25	25	25	Экспертная		
ТОРГРЕМБЫТ-СЕРВИС Х К	25	25	25	Экспертная		
QORG'ONCHA LOCHIN QUSHI MCHJ	25	бор	25	Экспертная		

Критерий №3 Солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслиги молиявий барқарорлиги бўйича баланс ҳисоботлари охириги уч йиллик

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслиги молиявий барқарорлиги бўйича баланс ҳисоботлари охириги уч йиллик

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
FARZONA-HASHAM ХК	14	14	14	Экспертная		
ТОРГРЕМБЫТ-СЕРВИС Х К	14	14	14	Экспертная		
QORG'ONCHA LOCHIN QUSHI MCHJ	14	бор	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Молиявий барқарорлиги бўйича охириги уч йиллик баланс ҳисоботлари юкланмаган

Критерий №4 Тех документацияда берилган нархсиз физик иш хажмларини нархлаб Ф-5 (ОФЁРТА) шаклида топшириш

Тип: Текстовое значение

Описание: Тех документацияда берилган нархсиз физик иш хажмларини нархлаб Ф-5 (ОФЁРТА) шаклида топшириш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
FARZONA-HASHAM XK	2	2	2	Экспертная		
ТОРГРЕМБЫТ-СЕРВИС Х К	2	2	2	Экспертная		
QORG'ONCHA LOCHIN QUSHI MCHJ	2	бор	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Тех документацияда берилган нархсиз физик иш хажмларини нархлаб Ф-5 (ОФЁРТА) шаклида топширилмаган

Критерий №5 Асосий ва иккиламчи ҳисобварағидаги 2-сон картотека қарздорлигининг мажуд эмаслиги, ўз балансидаги асосий фондларга, мулкларга тақиқ қўйилмаганлиги, танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Асосий ва иккиламчи ҳисобварағидаги 2-сон картотека қарздорлигининг мажуд эмаслиги, ўз балансидаги асосий фондларга, мулкларга тақиқ қўйилмаганлиги, танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
FARZONA-HASHAM XK	20	20	20	Экспертная		
ТОРГРЕМБЫТ-СЕРВИС Х К	20	20	20	Экспертная		
QORG'ONCHA LOCHIN QUSHI MCHJ	20	бор	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Асосий ва иккиламчи ҳисобварағидаги 2-сон картотека қарздорлигининг мажуд эмаслиги, ўз балансидаги асосий фондларга, мулкларга тақиқ қўйилмаганлиги, танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
						юкланмаган

Критерий №6 Корхона ишчи ходимларининг малакали мутахассисларга эга эканлиги ҳамда танлов предметиининг қиймати ва хафв-хатар тоифасига қараб соҳавий электрон рейтингда ижобий кўрсаткичга эга бўлганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхона ишчи ходимларининг малакали мутахассисларга эга эканлиги ҳамда танлов предметиининг қиймати ва хафв-хатар тоифасига қараб соҳавий электрон рейтингда ижобий кўрсаткичга эга бўлганлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
FARZONA-HASHAM XK	19	19	19	Экспертная		
ТОРГРЕМБЫТ-СЕРВИС X K	19	19	19	Экспертная		
QORG'ONCHA LOCHIN QUSHI MCHJ	19	бор	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Электрон рейтингда мавжуд эмас.

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ТОРГРЕМБЫТ-СЕРВИС X K	1 413 661 110.00	1 380 630 000.00 UZS	1 380 630 000.00	00.00	1 380 630 000.00	03.10.2022 14:09:06	100
FARZONA-HASHAM XK	1 413 661 110.00	1 400 000 000.00 UZS	1 400 000 000.00	00.00	1 400 000 000.00	03.10.2022 11:49:36	98.61643

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ТОРГРЕМБЫТ-СЕРВИС X K	Прошел	100	100
QORG'ONCHA LOCHIN QUSHI MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
FARZONA-HASHAM XK	Прошел	98.61643	98.61643

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 155859 от 04.10.2022 года на приобретение « Bekobod shahri “Buyuk ipak yo’li” va “G’.G’ulom” ko’chalarida sug’orish qudug’i qazish va tarmoqlarini tortish» определила победителем:

ТОРГРЕМБЫТ-СЕРВИС X K
204422416

и резервный исполнитель: FARZONA-HASHAM XK (300472860)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ERGASHEV ISLOM UMAROVICH	Согласен	
Член комиссии	Абдусаматов Абдувахоб Абдулазиз ўғли	Согласен	
Член комиссии	ATAMATOV MUXRIDIN RUSTAMALI O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	KARIMOV KARIMJON YUSUFOVICH	Согласен	
Член комиссии	MANSUROV DILMUROD BAXTIYAROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT SOLIQ QO'MITASI**

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**QO'SHILGAN QIYMAT SOLIG'I SOLIQ TO'LOVCHISI SIFATIDA RO'YXATDAN
O'TGANLIGI TO'G'RISIDA
GUVOHNOMA**

**СВИДЕТЕЛЬСТВО
О РЕГИСТРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА НАЛОГА НА
ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ**

**QQS RO'YXAT RAQAMI
РЕГИСТРАЦИОННЫЙ НОМЕР НДС 324010000533**

Mazkur guvohnoma QQS soliq to'lovchisi sifatida hisobga qo'yilganligi va QQS shaxsiy ro'yxatga olish raqami berilganligini tasdiqlaydi

Настоящее Свидетельство подтверждает постановку на регистрационный учет в качестве налогоплательщика НДС и присвоения индивидуального регистрационного номера НДС

Soliq to'lovchining nomi "ТОРГРЕМБЫТ-СЕРВИС" Х К
Наименование налогоплательщика

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami 204422416
Идентификационный номер налогоплательщика

Shaxs QQS soliq to'lovchisi bo'lgan sana 12.03.2003
Дата с которой лицо становится плательщиком НДС

Ro'yxatdan o'tish sanasi 08.11.2018
Дата регистрации



Ma'lumotnomada ko'rsatilgan ma'lumotlar to'g'riligini tekshirish uchun mobil telefon yordamida QR-kodni skaner qiling.
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации.

Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ
солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги
маълумотлар базасини шакллантириш ва
юритиш тартиби тўғрисидаги
низомга 6-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга
олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида
ГУВОҲНОМА

УДОСТОВЕРЕНИЕ

о регистрации в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан
и присвоении идентификационного номера налогоплательщику

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ - ЮРИДИК ШАХС
НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИК - ЮРИДИЧЕСКОЕ ЛИЦО

Тўлиқ номи:
Полное наименование:

"ТОРГРЕМБЫТ-СЕРВИС" ХУСУСИЙ
КОРХОНАСИ

Қисқача номи:
Краткое наименование:

"ТОРГРЕМБЫТ-СЕРВИС" Х К

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинди ва унга қуйидаги
солиқ тўловчи идентификация рақами (СТИР) берилди:

Зарегистрирован в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан
и ему присвоен идентификационный номер налогоплательщика (ИНН):

204422416

СТИР берилган сана: 12.03.2003
Дата присвоения ИНН:

Рўйхатга олинган ДСИ:
Зарегистрирован в ГНИ:

город Гулистан

Ушбу Гувоҳнома Давлат солиқ қўмитасининг интернетдаги расмий сайти
орқали шакллантирилган ва чоп этилган

Данное Удостоверение сформировано и распечатано через официальный сайт
Государственного налогового комитета

Гувоҳнома чоп этилган сана:
Дата распечатки удостоверения:

13.05.2022 17:23:59



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Сирдарё вилояти

Sirdaryo viloyati 120100, Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, Hondamir ko'chasi, 7-uy, Tel. +998 67
226-06-61, E-mail: sirdarya_davekspert@mail.ru, www.ekspertiza.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Gaimov Bo'riboy Xolbayevich

Sana: 18-08-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 57212

Obyekt nomi «Bekobod shahri “Buyuk ipak yo'li” va “G'.G'ulom” ko'chalarida sug'orish qudug'i qazish va tarmoqlarini tortish»

Buyurtmachi - Toshkent viloyati hokimligi huzuridagi Obodonlashtirish Bosh boshqarmasi

Bosh loyihachi - "Alfa-Best-Stroy" MCHJ

Litsenziya AL-000471 30-12-2019 yil

Moliyalashtirish manbai - Byudjet mablag'lari hisobidan

Bosh pudratchi - tender (tanlov) asosida

Qurilish turi Qurish

Murojaat raqami: № 55271

1. Loyihalash uchun asos

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 30 dekabr kunidagi PF-46 sonli qarori

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

Loyiha topshiriqnomasi, “O'zbekgidrogeologiya” DUKning gidrogeologiya xulosasi, Toshkent viloyati hokimligi huzuridagi Obodonlashtirish Bosh boshqarmasining 2022 yil 3 avgustdagi 1-01/702 sonli xati, “Toshkent hududiy elektr tarmoqlari korxonasi” AJ Bekobod tumani bo'limining 2022 yil 27 maydagi №43-26/1362 sonli texnik sharti bosh reja, loyiha-smeta xujjatlari, chizmalar

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

“Bekobod shahri “Buyuk ipak yo'li” va “G'.G'ulom” ko'chalarida sug'orish qudug'i qazish va tarmoqlarini tortish” ob'yektining loyihalashtirish ishlari bosh loyixachi "ALFA-BEST-STROY" MCHJ tomonidan, Toshkent viloyati hokimligi huzuridagi Obodonlashtirish Bosh boshqarmasi tomonidan tasdiqlangan 2022 yildagi loyiha topshiriqnomasi, “O'zbekgidrogeologiya” DUKning gidrogeologiya xulosalari, “Toshkent hududiy elektr tarmoqlari korxonasi” AJ Bekobod tumani bo'limining 2022 yil 27 maydagi №43-26/1362 sonli texnik shartiiga asosan ishlab chiqilgan.

Loyihada Bekobod shahri “Buyuk ipak yo'li” va “G'.G'ulom” ko'chalarida sug'orish qudug'i

qazish va tarmoqlarini tortish ishlarini amalga oshirish nazarda tutilgan.

Er osti suvlariga bo'lgan talab-1200 m³/kun

Qurilish maydonining gidrogeologiyasi:

1.Geologik kesma:

Gidrogeologiya xulosasiga asosan, 70 m chuqurlikdagi quduqni burg'ulash tavsiya etiladi.

0,0-7,0 m - zich loy;

7.0 - 11.5 m-toshli loy;

11,5 - 18,0 m-mayda shag'al;

18.0-30.0 m - zich loy;

30.0 - 70.0 mm-kichik shag'al;

2) dizayn gidrogeologik parametrlari: zamonaviy-yuqori to'rtinchi ufqning cho'kindi jinslari eng ko'p suv o'tkazadigan sharoitlardir, quduqlarning oqimi 10-15 l/s gacha o'zgarib turadi, sathlari 8-10 m ga kamayadi.

3) burg'ulash usuli: zarba arqon, UKS-22 yoki UGB-3UK mashinasi.

obsadka- 0,0-45,0 metr-truba (gluxiye) diametri-325 mm, 45,0-65,0 metr-truba fil'tr diametri-325 mm, 65,0-70,0 metr-truba otstoynik (gluxiye) diametri-325 mm.

Qurilish maydonchasi loyihasida quyidagi ish turlari ko'rsatilgan:

Oybek MFY bo'yicha:

Tashqi va ichki elektr ta'minoti bo'yicha:

- 10 kVlik- kabel alyuminli AS-35-1590 metr, izolyator SHF-20-71 metr, yig'ma beton ustunlar A 10-2-4/4 dona, P 10-2 - 7 dona, travers TM 3- 8 dona.
- 0,4 kVlik- KTP-40-6,1/0,4 markali transformator o'rnatish, zazemleniye, setkali panjara o'rnatish-12m, shit o'rnatish, kabellar tortish,
- ASKUE jihozlari o'rnatish;
- 70 metr chuqurlikda burg'ulash ishlari, skvajina qurish- 1 dona hamda 1 dona ESV8-65-110 nasos agregati o'rnatish, 1 dona foydalanuvchi tashkiloti omborxonasida saqlanadi. 3 sutka davomida otkachka qilish, jihozlar, kolodetslar, 1dona chugunli lyuk o'rnatish;
- Obodonlashtirish, sug'orish tizimi qurish bo'yicha: Tuproq ishlari, quvurlar asosiga qum to'shash-541 m³, diametri 200 mmlik 358 metr, diametri 160 mmlik 797 metr, diametri 140 mmlik 338 metr, diametri 125 mmlik 457 metr, diametri 110 mmlik 1131 metr, diametri 90 mmlik 989 metr, diametri 75 mmlik 888 metr, diametri 63 mmlik 805 metr polietilen, diametri 50 mmlik 489 metr, diametri 40 mmlik 240 metr, diametri 32 mmlik 528 metr polipropilen quvurlar yotqizish, futlyar uchun diametri 426 mmlik 44 metr, diametri 325 mmlik 73 metr, diametri 273 mmlik 67 metr, diametri 219 mmlik 58 metr, diametri 89 mmlik 47 metr temir quvurlar, yemirilishga qarshi bitumlash,

dezinfeksiyalash, jihozlash, 360, 180, 90 darajali , aylanasi 4,9 metrdan 2,1 metrgacha sachratuvchi yomg'irlatish jihozlari o'rnatish-189 komplekt;

- 3x3x2 metrlik o'lchamdagi yig'ma betonli kolodes qurish.

Tayyorlangan loyiha-smeta xujjatlari gidrogeologiya xulosasi, texnik shart xamda chizmalarga asosan ishlab chiqilgan.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

Tashqi va ichki elektr ta'minoti.

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

Loyiha topshiriqnomasi, bosh reja, "O'zbekgidrogeologiya" DUKning gidrogeologiya, texnik shart, loyiha-smeta xujjatlari, chizmalar

6. Ekspertiza natijalari.

Joriy narxlardagi resurs smetasida quyidagilar hisobga olingan: Ishchi quruvchilar o'rtacha 1kishi/soat ish xaki 12% ijtimoiy sug'urta ajratmasi bilan 29659,19so'm. /2022 yil 1 choraki, Toshkent viloyati/ Mashina mexanizmlar mash/soat narxlari Qurilish vazirligining 2021 yil 1 yanvar xolatidagi taqdim etgan ro'yxatiga asosan olingan. Materiallar va jixozlar qiymati QURILISH IQTISODIYOTI INSTITUTI"MCHJ tomonidan ishlab chiqilayotgan joriy narxdagi 2022 yil 1 chorak katalogiga asosan olingan.

Ishchi loyahasiga quyidagi asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi:

1. Ekspertiza ko'rigi davomida taqdim etilmagan birlamchi xujjatlar to'liq qabul qilinib olindi.
2. Buyurtmachi tomonidan buyurtmachining boshqa xarajatlari bilan 1 780 650 108 so'm, qurilish montaj ishlariga QQS bilan 1 679 424 282 so'm, QQS siz 1 460 368 941 so'm taqdim etildi. Ekspertiza ko'rigi davomida qurilish materiallaridan transport xarajatlari bilan birga 3 056 062 so'm kamaytirildi. Pudratchining boshqa xarajatlari 22,82% dan 19%ga tushirildi. Buyurtmachining boshqa xarajatlari 7% xisoblangan. Smeta xujjatlaridagi kamchiliklar bartaraf etilgandan so'ng, ya'ni qurilish materiallari narxlari va me'yoriy xarajatlarni o'zgartirish natijasida ob'yektning boshlang'ich qiymati 56 983 553 so'mga kamaytirildi.
3. Shartnoma bo'yicha import texnologik uskunalarni sotib olish va yetkazib berish xarajatlari va u bilan bog'liq xarajatlar shaharsozlik hujjatlari ekspertizasidan o'tkazilmaydi.
4. Smeta hujjatlariga asosan qayta qurish ishlarining yakuniy harajatlari buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng, haqiqiy (ijro xujjatlari) nazorat natijalari asosida aniqlanadi.
5. Buyurtmachi va pudratchiqurilish montaj ishlarini boshlashdan oldin belgilangan tartibda tegishli manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.(sanitariya-epidemiologiya va yong'inga qarshi nazorat xizmatlari hamda ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish organlari, avtoyo'l boshqarmasi)

6. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2016 yanvardagi 15-sonli qarorining 4-ilovasiga muvofiq, II bob 8-band va SHNQ 1.03.06-13 da "Davlat ekspertizasiga taqdim etiladigan shaharsozlik xujjatlarining sifati uchun javobgarlik buyurtmachiga (dastlabki ma'lumotlarni loyihalashtirish jarayonida taqdim etilgan dastlabki ma'lumotlarning ishonchiligi bo'yicha) va ishlab chiquvchiga (qabul qilingan loyixa qarorlari bo'yicha) yuklatiladi".
7. Smeta hujjatlarida ko'rsatilgan buyurtmachi va pudratchining boshqa harajatlari miqdori bo'yicha shaharsozlik hujjatlari ekspertisasi majburiyatni o'z zimmasiga olmaydi.
8. Buyurtmachi va loyiha tashkilotiga o'rnatilgan tartibda ekspertiza tomonidan berilgan kamchiliklarni bartaraf etgan holda loyiha-smeta hujjatlarini o'zgartirish talabi qo'yilgan. Agar ushbu talab bajarilmasa va loyiha-smeta hujjatlari buyurtmachiga to'liq tuzatishlarsiz berilsa, ushbu ekspertiza xulosasi haqiqiy emas deb hisoblanadi.

7. Xulosalar.

"Bekobod shahri "Buyuk ipak yo'li" va "G'.G'ulom" ko'chalarida sug'orish qudug'i qazish va tarmoqlarini tortish" ob'yektida ishlarni amalga oshirish bo'yicha tayyorlangan smeta xujjatlari kelgusida kelishish hamda tasdiqlash uchun 1 724 666 555 so'mga tavsiya etiladi.

Bunda:

- Qurilish montaj ishlari QQS bilan-1 625 710 277 so'mni;
- Qurilish montaj ishlari QQS siz- 1 413 661 110 so'mni;
- Buyurtmachining boshqa xarajatlari-98 56 278 so'mni tashkil etadi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 22.04.2021 yildagi 684-sonli Qarori va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 31.01.2022 yildagi 46-sonli qarori talablariga rioya etilgan holda, hamda SHNK 4.01.16-09 ga binoan qurilishning narxi tavsiyaviydir. Tavsiya etilgan bahoni qabul qilish qarorini buyurtmachi va pudratchi birgalikda qabul qiladilar (ShNQ4.01.16-09, 6-bob. 6.4 -bandi).

O'zbekiston Respublikasi Shaharsozlik kodeksi 4-bob 23,24,25- moddalari xamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 17.09.2021 yildagi №579 - sonli qarorining 1 - ilova 3 - bob 29 bandiga asosan "Ekspert tashkilotiga taqdim etilgan shaharsozlik xujjatlarining sifati, dastlabki ma'lumotlarning xaqqoniyligi va qabul qilingan loyiha yechimlari bo'yicha buyurtmachi hamda loyiha tashkiloti javobgardir".

Bosh mutaxassis: Toshbayev O'ktamjon Abdurayimovich



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2021 yil «30» декабрь

№ ПФ-46

Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Сўнгги йилларда аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш, дарахт ва буталарни муҳофаза қилиш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш борасида тизимли чоралар кўрилмоқда. Қимматбаҳо навли дарахт ва буталар кесилишига мораторий жорий қилиниши, дарахт кесганлик ҳолатлари учун жарима ва компенсациялар миқдорининг оширилиши шулар жумласидандир.

Бироқ, масъул ташкилотларнинг амалга оширилаётган ишларга сусткашлик билан ёндашиши ҳамда айрим шахсларнинг ўсимлик дунёси объектларига бўлган тажовузкор ҳаракатлари, шу жумладан дарахтларни ноқонуний кесиш билан боғлиқ ҳолатлар умумэкологик вазиятнинг ёмонлашишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, инвестицион фаоллик суръатларининг, жумладан саноат ишлаб чиқариш, қурилиш, урбанизация ва бунёдкорлик кўламининг кескин кенгайиши аҳоли пунктларига тушаётган экологик юкломани камайтириш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Дарахт, буталар ва яшил ҳудудларни муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг майдонларини кенгайтириш, ушбу соҳада масъул ташкилотлар фаолиятини янада самарали ташкил этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон Фармонида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Бутун мамлакат миқёсида дарахтзорларни кўпайтиришга қаратилган қўйидагиларни назарда тутувчи “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси татбиқ этилсин:

дарахтларни экиш ва парвариш қилиш соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш;

илмий ёндашувлар асосида ҳудудларнинг тупроқ-иқлим ва бошқа хусусиятларини аниқлашга қаратилган **тадқиқот ва таҳлилларни амалга ошириш** ҳамда бунинг натижасида ҳудудлар кесимида республика харитасини ишлаб чиқиш;

кўчатхоналар сонини кўпайтириш, тупроқ унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудлар иқлимига мос хорижий манзарали дарахтларни маҳаллийлаштириш;

ҳудудларда **“яшил боғлар”** ва **“яшил жамоат парклари”**ни барпо этиш;

дарахтларни суғориш тизимини қайта кўриб чиқиш, унинг самарали фаолиятини таъминлаш;

ҳар бир дарахтни парвариш қилиш учун масъул бўлган шахсларни белгилаш, бу борада рағбатлантириш механизмларини кенг жорий этиш;

дарахтларни шикастлантириш ва нобуд қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини янада ошириш.

2. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторийнинг амал қилиши муддатсиз даврга узайтирилсин.

Белгилансинки, мораторий даврида амалдаги чеклов ва мажбуриятлар билан бирга қўшимча равишда:

а) ҳуқуқбузарларга:

мораторий талабларини бузганлик учун **маъмурий жарималар** миқдори **беш бараварга**;

дарахтлар ва буталарни ноқонуний кесиш ва шикастлантириш билан ўсимлик дунёсига **етказилган зарар учун ундириш суммалари** **икки бараварга** оширилган ҳолда қўлланилади;

б) мораторий талабларини бузган қурилиш-пудрат ташкилотларининг “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимидаги даражаси (рейтинг баҳоси) бир поғона пасайтирилади. Бунда:

даражаси (рейтинг баҳоси) бир поғона пасайтирилган қурилиш-пудрат ташкилотлари **бир йил мобайнида даражасини (рейтинг баҳосини) кўтариш имконидан маҳрум бўлади;**

даражасини (рейтинг баҳосини) бир поғонага пасайтириш имкони бўлмаган қурилиш-пудрат ташкилотлари **бир йил муддатга қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингдан тўлиқ чиқариб ташланади**;

в) янги қуриладиган, баландлиги ер юзасидан **12 метрдан** ва (ёки) умумий майдони **500 квадрат метрдан** ортиқ бўлган бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда уларга туташ ҳудудларнинг **кўкаламзорлаштириш** (дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни экиш) майдонлари лойиҳа учун ажратиладиган ер участкалари умумий майдонининг **25 фоизидан кам бўлишига йўл қўйилмайди** (эксплуатация муддатини ўтаб бўлган ва маънан эскирган бино ва иншоотларни реновация қилиш бундан мустасно);

г) давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларини кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш ёки йўқ қилишни назарда тутувчи кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳукумат фармойишлари, баённомалар, ёзма топшириқлар, идоравий ҳужжатлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг **кўрсатмалари ва қарорларини қабул қилиш қатъиян тақиқланади**.

3. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат экология қўмитаси) **уч ой муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларини кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш ёки йўқ қилишни назарда тутувчи **лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаганлик учун** лойиҳа институтларининг жавобгарлигини белгилаш;

дарахтлар ва буталарни қонунга хилоф равишда кесганлик, кундаков қилганлик, шикаст етказганлик, бошқа жойга кўчириб ўтказганлик ҳамда парвариш қилмаслик оқибатида уларнинг қуриб қолиши учун **жавобгарликни кучайтириш**.

4. Жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида **2022 йил 1 апрелдан** бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

аҳоли томонидан Ички ишлар вазирлиги ва Давлат экология қўмитасининг махсус ахборот тизимига юборилган, дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказиш бўйича ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги **фотосурат** ва **видеоёзувлар** махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари акс эттирилган фотосурат ва видеоёзувларга тенглаштирилади ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда кўриб чиқилади;

ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги фотосурат ва видеоёзувларни юборган шахслар ҳар бир тасдиқланган ҳолат бўйича ҳуқуқбузардан ундирилган маблағлар ҳисобидан **базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараварига** тенг миқдордаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади. Бунда, ҳуқуқбузарлик тегишли органлар томонидан бевосита аниқлангандан сўнг келиб тушган хабарлар бўйича рағбатлантириш амалга оширилмайди;

рағбатлантириш ҳуқуқбузарлик бўйича **биринчи хабар берган шахсга** нисбатан қўлланилади;

ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича фотосурат, видеоёзув ва хабарларни тақдим этган **шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди;**

рағбатлантириш маблағлари ундириладиган жарималарнинг тегишли органлар ҳисобида қолдириладиган қисмидан қоплаб берилади.

5. Белгилансинки, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги хабарлар “102” тезкор қисқа рақами ёки “Эконазорат” ахборот тизими орқали қабул қилинади.

Давлат экология қўмитаси Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура билан биргаликда **икки ой муддатда** давлат экологик назоратининг замонавий механизмларини жорий этиш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Давлат экология қўмитаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрга қадар қўйидагилар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган “Яшил макон” платформасини ишга туширсин:

ҳудудларнинг тупроқ-иқлим хусусиятлари, уларда мавжуд дарахтлар сони, тури ва жойлашуви, шаҳарларнинг **кўкаламзорлаштирилганлик даражаси;**

аниқ ҳудуд (туман (шаҳар), маҳалла ва ер участкаси) кесимида аҳолининг **шахсий ташаббуси** асосида дарахтлар экилиши мумкин бўлган **манзиллар ва дарахтларнинг турлари;**

аниқ ҳудуд ва ҳар бир дарахт кесимида дарахтларни кесиш, шу жумладан санитария мақсадида кесиш учун берилган **рухсатномалар;**

аниқ ҳудуд ва ҳар бир дарахт кесимида дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ва кўчириш бўйича аниқланган **ҳуқуқбузарликлар** ва улар бўйича **кўрилган чоралар.**

7. Қўйидагилар:

2022–2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда “яшил боғлар”ни барпо этиш дастури 1-иловага мувофиқ;

2022–2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда янги ҳамда маданият ва истироҳат боғлари негизда ташкил этилаётган “яшил жамоат парклари” рўйхатлари 2а ва 2б-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

а) “яшил боғлар” шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида дарахтзор ва бутазорларни барпо этиш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, парвариш қилиш, муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишга хизмат қилади;

б) “яшил жамоат парклари” идоравий мансублигидан қатъи назар, бино, иншоотлар, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектлари, шу жумладан аттракционлар қурилиши тақиқланган ҳамда аҳоли сайил қилишига мўлжалланган дарахтзор ва бутазорлардан иборат бўлади;

в) қўйидаги тадбирларни молиялаштириш Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади:

“Яшил макон” платформасини яратиш ва фаолиятини таъминлаш;

дарахтларни бириктириш, хусусан тегишли кўчирмалар бериш;

